



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 5 апрель, № 66 (9237)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Авалло, сиз, азишларни — кўп миллатли геологлар, муҳандис ва мутахассислар, ишчи ва хизматчилар жамоасини кўтлуг касб байрамингиз билан чин қалбидан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қувончли айёмда сизларнинг мураккаб табиий шароитларда фидокорона меҳнат қилиб, янги-янги конлар, минерал хомашё манбаларини топиш, уларни мамлакатимиз рағбатли, халқимиз фаровонлиги йўлида ишлатиш борасидаги улкан хизматларингизни яна бир бор миннатдорлик билан эътирдан ўтказиб.

Ана шундай савб-ҳаракатларингиз тўғрисида ўзимнинг 200 миллион сўм маблағ йўналтирилгани 2 мингга яқин техника ва технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ускуналарини 70 фоиз янгилаш имконини берди.

Мамлакатимизда вертолёт ва дронлар ёрдамида аэрогеофизика ишлари йўлга қўйилгани, замонавий 3 D ўлчамли сейсмик комплекс ишга туширилиши, ер қатъини 9 километргача чуқурликда геофизик ўрғаниш имконияти яратилгани соҳа ривожини янги давр бошланганидан далолат беради.

Углеводород конлари ва майдонлари хорижий сармоядорлар учун ҳам тақдим этилмоқда, солиқ ставкалари пасайтирилмоқда. Шу боис дунёдаги энг нуфузли компаниялар мамлакатимизга фаол инвестиция киритмоқда. Ҳозирги вақтда улар билан ҳамкорликда умумий қиймати 30 миллиард 700 миллион доллар бўлган 90 та лойиҳа амалга оширилётгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунга қадар 1 минг 458 та фойдали қазилма объекти онлайн аукцион орқали сотилди. Бунинг ҳисобидан Давлат бюджетига 1 триллион сўмдан зиёд маблағ тушди, 100 мингга яқин юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Сўнгги ўн йилда давлат бюджетидан 8 триллион 200 миллион сўм маблағ йўналтирилгани 2 мингга яқин техника ва технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ускуналарини 70 фоиз янгилаш имконини берди.

Мамлакатимизда вертолёт ва дронлар ёрдамида аэрогеофизика ишлари йўлга қўйилгани, замонавий 3 D ўлчамли сейсмик комплекс ишга туширилиши, ер қатъини 9 километргача чуқурликда геофизик ўрғаниш имконияти яратилгани соҳа ривожини янги давр бошланганидан далолат беради.

Соҳада рақобат ва шаффофлик муҳити шаклланимоқда. Узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолган миллий геология мактаби ва таълим тизими қайта тикланди, замонавий талабларга мос бўлган Геология факультети ташкил этилди. Илғор хорижий мактабларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш ва инновацион технологияларни қўллаш мақсадида Компетентиялар маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Ана шундай кенг қўламли ишларимиз тўғрисида 2016 — 2025 йилларда 1 минг 900 дан зиёд янги конлар очилди. Агар 2016 йилда тасдиқланган уран захираларимиз 97 минг тоннани ташкил этган бўлса, ўтган даврда яна 16 та янги кон аниқланиб, захира 140 минг тоннага етказилди.

Яқинда Олмаликда йилига 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги мис бойитиш фабрикасини ишга туширдик. Ҳеч шубҳасиз, бунда ҳам сиз, захматқаш геологларнинг алоҳида хизматларингиз борлигини, ана шу меголойдан натижасида 6 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўрни яратилгани, корхона ҳисобига йилига 5 миллиард доллар маблағ келиб тушишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хурматли соҳа ходимлари!
Биз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида геология соҳасини янада ривожлантириш бўйича ҳам келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олдик. Юртимизнинг минерал хомашёга бой, истиқболли ҳудудларини геологик жиҳатдан ўрганишни кенгайтириш, олтин ишлаб чиқаришни — 1,5 баробар, кумушни — 3 қарра, мисни — 3,5 марта, уран, темир ва кўмирни — 3 ҳисса оширишни мақсад қилганмиз.

Сиз, жонқуяр ва матонатли геологларнинг катта билим ва тажрибангиз, мустақам ирода ва меҳнатсеварлик фазилатларингиз ҳисобидан бу юксак марраларга албатта эришамиз деб ишонаман.

Соҳа ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли фаолиятини муносиб рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларни бугунги кўтлуг айём билан яна бир бор чин дилдан қўтлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, шарафли ишларингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРДАН ЎРИНЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида Самарқанд вилоятида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Муҳокама

Унда сенаторлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда бошқа мутаассадди ташкилотлар вакиллари, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этди.

ажратилган. Шунингдек, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 174 та лойиҳага 1,7 млрд. сўм, “Ёрқин келажак сари” дастури доирасидаги 7 та лойиҳага 5,9 млрд. сўм кредитлар берилган.

Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳамда Касбий кўникмалар марказлари ва бошқа муассасаларда ёшлар касбунарс ҳамда тадбиркорликка ўқитилмоқда. “Битирувчи ёшлар бандлик дастури” доирасида эса 37 810 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

2

Шарҳ

ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Яқинда Президентимиз томонидан мамлакатимизда исломий банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қонун имзоланди. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат билан Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда етти та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия жорий қилинади ва уни олишнинг талаблари белгиланади. Бундай лицензияга эга банклар бир вақтнинг ўзида ҳам аъъанавий, ҳам исломий банк фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Марказий банк ва бундай фаолият билан шуғулланувчи бошқа банкларда исломий молия кенгашлари ташкил этилади. Ушбу тузилмалар бу борада стандартлар ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, баҳсли масалаларга изоҳ бериш, шартнома ва ички ҳужжатларни кўриб чиқиш, мувофиқлик устидан назоратни таъминлаш билан шуғулланади.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз геология соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, қазилма бойликлар геологияси, тадқиқот ва қидирув тармоғини ривожлантириш, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал ресурсларни аниқлаш, янги конлар ва хомашё захираларини замонавий технологиялар асосида ўзлаштириш борасидаги катта хизматлари, юксак малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони билан

Муминов Толибжон Холиёрович — «Навоийуран» давлат корхонасининг «Зирабулоқ» геология-қидирув экспедицияси бош геологи

Эргашев Элмурод Хасанович — «Ўзбек геология қидирув» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари — бош геологи

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Нуралиев Раҳмонали Азимович — «Ўзбек геология қидирув» акциядорлик жамиятининг Тошкент марказий геология-қидирув экспедицияси бургилаш участкаси бургиловчиси

Яллакабилов Гулом — «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасасининг Марказий Ўзбекистон дала гидрогеология экспедицияси етакчи гидрогеологи

«Дўстлик» ордени билан

Богданов Александр Николаевич — Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг нефть ва газ конлари геологияси ҳамда истиқболли объектларни баҳолаш лабораторияси бошлиғи

Шукуров Носир Эгамович — Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг геокимё лабораторияси бошлиғи

«Шухрат» медали билан

Арипов Шаҳобиддин Пахритдинович — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазириликнинг Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси эксперти

Жўраев Шерали Изатиллоевич — «Навоийуран» давлат корхонасининг геология ва қидирув бўйича директори

Зайров Илхом Матазимович — «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Автомобиль ва технологик транспорти» филиали оғир юк машинаси ҳайдовчиси

Сайитов Ҳамза Қаҳҳарович — «Ўзбек геология қидирув» акциядорлик жамиятининг Самарқанд марказий геология-қидирув экспедицияси бульдозер машинисти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 4 апрель

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг қурилиш соҳасида тадбиркорларга кўрсатилаётган давлат хизматлари ҳолати ҳамда рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ахбороти эшитилди.

Муҳокама давомида қурилиш соҳасида тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сони ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани, шунингдек, коррупциявий омидаларга барҳам бериш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилаётган ижобий натижалар қайд этилди.

Маълум қилинганидек, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 2025 йилда жами 424 400 та объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган.

Вазирлик томонидан бино ва иншоотларнинг

ташки кўринишини ўзгартиришни келиши, уларнинг ихтисослаштиришни ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш, шунингдек, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келиши, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш ҳамда кўчмас мулк бузилишига тушган ёки тушмаганлиги ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

2

«Яшил макон»:

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Миллий дендрология бонуси барпо этишдек эзгу лойиҳани бошлаб берганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Шу аснода давлатимиз раҳбарининг кўчат экиш тадбиридаги иштирокини кузатар эканман, бундан тўққиз йил аввал бўлиб ўтган бир хайрли воқеа эсимга тушди.

Депутат минбари

2017 йил 14 апрель куни Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Қўшработ туманидаги “Оқтепа” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қир бағрида нурунийлар билан бирга ёнғоқ кўчати эккан эди. Бу тадбир кўпчиликка ибрат бўлди — аҳолининг кўчат экиш, боғ яратишга бўлган иш-

тиёби янада кучайди. Аслида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ўшанда — минг йиллардан буён фақат яллов сифатида фойдаланиб келинган сув чиқмас ерлар қўшимча қиймат яратадиган ёнғоқзорга айлана бошлаган маҳал тамал тоши қўйилган эди, десак, муболага эмас.

2

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



Ҳар бир мамлакат қудратини ёшларнинг билим ва салоҳияти, ғайрат-шижоати, ватанпарварлиги, фидойилиги белгилайди. Зеро, навқирон авлод — эл-юртнинг таянчи, ишонган тоғи.

Янги Ўзбекистонда ёшлар мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги сифатида эъзозланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан йигит-қизларнинг эмин-эркин яшashi, сифатли таълим олиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Ҳокимлар, давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларнинг фаолиятига

ёшларга қаратаётган эътибори, уларга яратётган қулайликларига қараб баҳо берилаяпти.

Президентимизнинг шу йил 24 февраль куни Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувида ҳам барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, гоа, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни иш ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаглиги зарурлиги айтилди.

3

АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРДАН ЎРИНЛИ ФЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Муҳокама чоғида соҳада қатор муаммолар мавжудлиги ҳам айтиildi. Хусусан, 2025 йилда рўйхатдан ўтган 3 533 нафар яқна тартибдаги тадбиркор ўзининг 1 536 таси ўз фаолиятини шу йилнинг ўзида тўхтатган. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридаги 164 та инвестиция лойиҳасидан атиги 12 таси ишга туширилган, 110 тасида эса ишлар бошланмаган. Натижада режалаштирилган 1 037 та иш ўрнидан бор-йўғи 37 таси яратилган бўлиб, уларнинг жуда кам қисми йигит-қизлар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, вилоятдаги барча саноат зоналарида йўл инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳалигача якунланмагани ачинарлидир.

Тижорат банклари вилоятдаги 129 та лойиҳа учун Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармасига бюрутнома берган, бироқ шундан атиги 40 та лойиҳага маблағ ажратилган.

Касбий кўникмалар марказида “ваучер” асосида ўқитилган 2 124 кишидан 1412 нафари, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ўқитилган 7 200 нафардан 4244 нафари, Савдо-саноат палатаси томонидан ўқитилган 523 нафардан 309 нафарнинг бандлиги таъминланмаган.

Мажлис якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниб, унда ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасига вазифалар юклатилди.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА БАҲҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни кўллаб-қувватлаш ва иқтисодий фаоллигини оширишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Аёллар тадбиркорлигининг ривожланишида давлат томонидан яратилаётган кўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йилда “Ҳамроҳ” дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта лойиҳасига жами 1 трлн. сўм ажратилган бўлса, жорий йилда 1,5 млн. нафар аёлни даромадли қилиб, шундан 400 минг нафарини бизнесга жалб этиш бўйича 25 трлн. сўмдан зиёд ресурс йўналтирилиши кўзда тутилган.

Мулоҳаза

Президентимиз фармонида мувофиқ, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аёлларнинг тадбиркорлики бошланган ва ривожлантириши учун кулай иқтисодий ҳамда институционал муҳит шаклланди.

Юртимизда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки сезиларли даражада ошганини тадбиркорларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этаётганидан ҳам билса бўлади. Айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи опа-сингилларимиз

қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаол қатнашаётган бўлса, шаҳарларда тикувчилик, қандолатчилик, косметология, таълим қизматлари, соғлиқни сақлаш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш каби йўналишларда фаоллик кўрсатмоқда.


Бугунги кунда ишбилармон аёллар доираси икки баробар кенгайиб, уларнинг сони 200 минг нафардан ошди. Шунингдек, иқтисодиёт ва саноат тармоқларидаги улуши 46 фоизга етди. 120 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ҳамда 4550 дан зиёд фермер хўжаликлари аёллар раҳбарлигида фаолият юритмоқда. Бу эса улар ишбилармонлиги, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

соҳасида барқарор ривожланаётганини кўрсатади.

Миллий статистика маълумотларига кўра, 2026 йил январь ойида мамлакатимизда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 80,5 трлн. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичда аёллар тадбиркорлиги ҳиссаси салмоқли ўрин тутди. Бу эса хотин-қизлар нафақат аънанавий хизмат кўрсатиш соҳаларида, балки иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларида ҳам фаол иштирок этаётганининг намоёнидир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунга кўрсатмоқдаки, аёллар тадбиркорлиги иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бирига айланиб бормоқда. Халқаро таҳлилларга кўра, дунёда янги бизнес субъектларининг қарийб 30 фоиздан кўпи аёллар томонидан йўлга қўйилмоқда ва самарали бошқарилмоқда.

Ўз навбатида, аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши инновацион иқтисодиётни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизлар нафақат оила ва ҳаётнинг таянчи, балки иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверларидан бири сифатида ҳам намоён бўлар экан, куйи бугун — маҳалларда хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун қатор йўналишларга эътибор қара-



вация ва рақамли иқтисодиёт каби соҳаларда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Рақамли технологиялар, интернет платформалари ва электрон хизматлар тадбиркорлик фаолиятининг макон ва вақт чегараларини қисқартириб, янги бизнес моделларини шакллантириши хотин-қизлар имкониятларини кенгайтирмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали аёллар онлайн таълим, электрон савдо, хизмат кўрсатиш платформалари, контент ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб йўналишларда ўз бизнесини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлмоқда.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизлар нафақат оила ва ҳаётнинг таянчи, балки иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверларидан бири сифатида ҳам намоён бўлар экан, куйи бугун — маҳалларда хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун қатор йўналишларга эътибор қара-

тиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, маҳалла даражасида тадбиркорликка ўқитиш марказларини кенгайтириш, аёлларга бизнес режа тузиш, маркетинг ва молиявий савдонлиқ бўйича амалий кўникмалар бериш ҳамда маҳаллабй бизнес лойиҳаларни молиявий кўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит ҳамда грантлар ажратиш муҳим. Аёлларни электрон савдо, онлайн хизматлар ва рақамли платформалар орқали бизнес юритишга ўқитиш ҳамда ижтимоий тадбиркорликни рағбатлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу каби ўзгаришлар ва кўллаб-қувватлаш механизмлари маҳалларда хотин-қизлар тадбиркорлиги янада раванқ топишига хизмат қилиб, юртимизда иқтисодий барқарорлик ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқро муносабатлар, таъшиқ
иқтисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари кўмитаси аъзоси.

ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Соғлом аҳоли — соғлом жамият асоси. Тиббиёт инсонларни меҳнатга лаёқатли ҳолда сақлаб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшади. У нафақат касалликларни даволайди, балки уларнинг олдини олиш, инсон умрини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Инсоннинг умумий жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш ҳам тиббиётнинг муҳим вазифалари сирасидир.



Шу ҳақда Олий Мажлис Сенати аъзоси Зумрад Бекатова ўз мулоҳазаларни билдирди.

Бизнинг интервью

— Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам тиббиёт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида фикрлар билдирилган эди. Хусусан, унда соғлиқни сақлаш ҳодимлари билан 2025 йил давомида икки марта учрашиб, уларда кўриб чиқилган барча масалалар бўйича фармон ва қарорлар қабул қилинганига алоҳида эътибор қаратилгани беҳиз эмас. Сабаби ушбу учрашувларда соҳада олий борилаётган ишлар, уларнинг ижобий натижаларига тўхталиб, ўз ечимини кутаётган барча масалалар таҳлил қилиниб ҳамда янги вазифа ва имкониятлар белгилан олинди.

Учрашувларда хозирги глобал иқтисодиётда рақобатга чидамли бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидланди. Келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 млрд. доллардан оширишга хизмат қилувчи омиллар қаторида таълим ва тиббиётда сифатни янги босқичга олиб чиқаётган илгор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун янги технологияларни олиб кириш, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрлаш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилди.

Хар битта йўналишда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам малакали кадрларнинг аҳамияти жуда муҳим. Ўтган йили белгилан олинган ислохотлар доирасида соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган эди. Шу мақсадда мавжуд учта олий ўқув юрти негизда Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Самарқанд давлат тиббиёт университети нуфузли халқаро “Times Higher Education” (THE) рейтингидан жой олди. Бугунги кунда халқаро аккредитациядан ўтган тиббиёт олий таълим муассасаларининг сони 8 тани ташкил этмоқда.

Тошкент давлат тиббиёт университети қошида Олий касбий тиббиёт академияси ташкил қилиниши ҳамшираларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириб, олий маълумотга эга, шифокор билан ёнма-ён турадиган, ҳақиқий маънода шифокорга кўмакчи бўладиган ҳамшираларни тайёрлашга замин яратмоқда. Чунки бугунги кунда айнан тиббиёт йўналишида малакали шифокор ва ҳамшираларга талаб катта. Агар масалга ҳар ўн минг аҳолига канча шифокор тўғри келиши нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлса, мамлакатимизда бу курсатки АҚШ, Буюк Британия, Финляндия билан бир хил, яъни ҳар 10 минг аҳолига 27 нафар шифокор тўғри келади. Туркия ва Канадада эса бу рақамлар 1,5 баравар кам.

Президентимизнинг тиббиёт ҳодимлари билан учрашувларида соҳадаги камчиликлар ҳам тилга олиниб, иختисослаштирилган даражасига олиб чиқиш борасида кўплаб ишлар қилинаётган бўлса-да, қишлоқ жойларда малакали шифокорлар ва замонавий ускуналар етишмаслиги, айрим худудларда хизмат кўрсатиш сифатининг таллаб даражасида эмаслиги, шифокор ва ҳамширалар иш юкининг оғирлиги каби муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Шунингдек, айрим тор йўналишларда малакали мутахассислар танқислиги, беюмор билан мулоқот, таъшиқ қўйишда хатolikлар учраб туриши ва ҳужжатбозлик каби иллатларнинг ҳали тўлиқ барҳам топмагани соҳада олиб борилаётган ислохотларга соя солмоқда.

Бугунги кунда дунё миқёсида ҳам инфаркт, инсулт, онкологик, нефрологик каби юкумли бўлмаган касалликларни даволаш учун алоҳида эътибор талаб қилинади. Мамлакатимизда ҳам айни касалликларни даволаш, трансплантация, эмлаш ҳамда она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига аввалги йиллардагига қараганда 1,5 баробар кўп, яъни 3,5 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилди.

Охириги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бирламчи тиббий ёрдам (оилавий поликлиникалар) тизимини босқичма-босқич такомиллаштирилди. Янги шифохоналар, поликлиникалар ва иختисослаштирилган марказлар қурилиб, кўплаб тиббиёт муассасалари замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бундай кенг кўламли ишлар, айниқса, тиббиётнинг кардиология, онкология, нейрхирургия, трансплантология каби соҳаларида кўзга яққол ташланмоқда.

Тармоқни тараққий этиштириш борасида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар, белгилан олинган вазирлар, мамлакатимизда тиббиётни барқарор ривожлантириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар янги босқичга олиб чиқилаётганидан далолатдир.

Бундай ислохотлар Янги Ўзбекистонда соҳа фаолиятини халқаро андозлар асосида ташкил қилиш, тиббиёт муассасаларининг фақат шифо маскани эмас, илмий-инновацион жазаёнар марказига айланишига замин яратиб, юртимизда инсон қадрини янада юксалтириш ҳамда халқимизнинг замонавий, малакали тиббий хизмат билан қамраб олинishiда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

«Яшил макон»: КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Шу баҳонада қир бағрида олис Америкадан келтирилган кўчатлар экилиб, томчилатиб сугоришга асосланган улкан ёнғоқзор барпо этилди. Ўзбекининг меҳри, ғайрату шижоати билан бу ниҳоллар бугун ҳосилга кирган. Бундан қувонам бўладими?!

Сугориладиган ердами, лалмикор жойлардами, энг муҳим масала, бу — ҳосилдорлик. Даромаднинг чўғи ҳам шунга боғлиқ. Давлатимиз раҳбири бу муҳим масалга Президент сифатида иш бошлаган чоғлардаёқ жиддий эътибор қаратди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги “Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувсизликка чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, вилоятнинг қатор туманлари, жумладан, Қўшарботда ҳам тоғолди худудларида фермер хўжаликлари ташкил этилиб, 5,7 минг гектар ёнғоқзор ва 13 минг гектар тоқзорлар барпо қилишга киришилди.

Бу бежиз эмас. Масалан, БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ёнғоқзорлар умумий майдони тахминан 1 миллион гектардан ошди. Улардан олинаётган ҳосил таъми, кўриниши, пўнчогини юпқа ва қалинлигига қараб белгиланади. Хусусан, Япония ва Жанубий Кореяда бир кило ёнғоқ 20 АҚШ доллари туради. Чунки бу давлатларда ёнғоқзорларнинг ўзи йўқ. Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистонида ҳам шундай. Ёнғоқ этиштириш бўйича дунёда Хитой (1,4 млн. тонна) пешқадам. АҚШ эса бу борада жаҳон бозоридаги экспортнинг ярмини амалга оширади. Экологик тоза махсулотларга талаб ошган сайин халқаро бозорда ёнғоқнинг харидорлари ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Бу, албатта, ёнғоқ ёғининг фармацевтика ва косметологияда жуда қадрили экани билан ҳам боғлиқ. Шу боис боғ-роғлар яратиш, аввало, келажакни кўзлаган эзгу ташаббусдир.

Президентимиз Қўшарботда қир бағрига ниҳол қадаб бошлаб берган кўкчалламовлаштириш ҳаракати бугун изчил давом эттирилмоқда. Хар чоракда халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда экология ва иқлим ўзгариши идораси раҳбарининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича ҳисоботларини эшитяпмиз. Қанча дарахт экилди, қанчаси кўкарди, қанчаси қуриб қолди, барча муаммони очиқ-ойдин муҳокама қилинмоқда. Шу йил кўкларнинг ўзида туманимиз бўйича 350 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Депутатларимиз орасида бу борада шайсий ибрат кўрсатганлар ҳам бор. Масалан, “Оқочсой” сайлов округидан сайланган депутатимиз Абдуҳаким Мардиевнинг ўзи икки минг тупдан ортиқ дарахт ниҳолларини тайёрлаб боғборларга етказиб берди. Шунингдек, у 700 гектарлик лалмикор ерларни боғу роғларга айлантиришга жиддий қиришган. Яна бир депутатимиз — “Сардор” фермер хўжалиги раиси Баҳодир Абашов 200 гектарлик боғ яратиш ташаббуси билан чиқди.

Биз тумандаги 34 та маҳаллада ўтказилаётган очиқ мулоқотларимизда фермерлар ва аҳолини дарахтзорлар, хусусан, мевали боғларни кўпайтиришга давват этияпмиз. Чунки ота-боболаримиз эккан дарахт мевасидан бугун биз нафланяпмиз, аммо келажакимиз — фарзандларимиз, набираларимиз — учури учун боғ қолдира оламизми?!

Қолаверса, ниҳол экиш, эзгуликларга бош-қош бўлиш борасида давлатимиз раҳбарининг ўзи ибрат бўлмоқда. Дунёдаги қалтиб вазият, озиқ-овқат махсулотлари таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам эътиборимизни боғдорчиликни янада ривожлантиришга ундайди. Умид қилимакзи, Қўшарбот бу борада номдор бўлади. Бугунги савй-ҳаракатларимиз худди шу мақсад рўёбига йўналтирилган.

Азизжон ҚОБИЛОВ,
халқ депутатлари Қўшарбот тумани
Кенгаши раиси.

ЭКОЛОГИК СИЁСАТДА ТУБ БУРИЛИШ

Дунё миқёсида экологик муаммолар кескин тус олаётган бир пайтда давлатимиз раҳбини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар юзасидан тақдимот билан таништириш юртимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиш йўлидаги қатъий позициясини яна бир бор намоён этди.

Акс садо

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, чикиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган савй-ҳаракатлар мазкур йўналишда катта қадам бўлди. Аммо экологик вазиятни тубдан яхшилаш, келажак авлодларга тоза ва соғлом муҳит қолдириш учун тизимли ҳамда узоқ муддатли стратегия ёндашув зарур.

Игиллиги ҳамда тозаллигини таъминлаш, сув ресурсларини оқилона бошқариш, чикиндиларни қайта ишлаш ва утиллация қилиш, ер деградациясига қарши курашиш, экологик маданиятни ошириш каби фундаментал ўзгаришларни назарда тутувчи 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган устувор лойиҳаларнинг асосий йўналишлари белгилан олинди.

Унга қўра, ҳаво тозаллигини таъминлаш мақсадида саноат қороналари ва транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар микдорини камайтириш, шамол ва кувёш энергиясидан фойдаланишни кен-

этишда нафақат давлат органлари, балки хусусий сектор, жамоат ташкилотлари ва ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки муҳим, албатта.

Бундан ташқари, “Экомоданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни бир-бирига боғлаган ҳолда янги тизим яратиш режалаштирилган. Мазкур соҳада эса халқаро стандартларга мос мутахассислар етишмаяпти. Қолаверса, аҳоли ўртасида экологик онг ва барқарор одатлар ҳали етарли даражада шаклланмаган, инновация ҳамда иқлим технологияларини амалиётга жорий қилиш оладиган кадрлар ҳам керак.

Бу борада 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 14 та худудда “яшил техникумлар” ташкил этилиб, улар “Green University” тизимига академик ҳамкорлик асосида бириктирилиши айна мудида бўлди.

Атроф-муҳитни асраш фақат давлатнинг вазифаси эмас, бу ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Агар биз табиятни севиб, уни ҳимоя қилишда фаоллашсак, мамлакатимизни яшаш учун янада қулай ҳамда экологик хавфсиз ўрда айлантира оламиз. Тақдимот қилинган лойиҳалар экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Мунозараларда депутатлар томонидан соҳадаги тадбиркорларга кўрсатилаётган давлат хизматлари ҳолати юзасидан масъуллар олдиға тегишли саволлар қўйилди. Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича келиб тушган аризалар таҳлил қилиниб, вазирлик томонидан рад этилган аризаларнинг сабаблари муҳокама қилиниб ва тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, халқ вакиллари давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш юзасидан ўз таъкифларини билдирди.

Яқунда кун тартибидаги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бундан ташқари, исломий молия операцияларининг ўзига хос суусиятларини инноват олиб, ҳолиқ қолдирган исломий молия операцияларини солиққа тортиш тартибин белгилувчи алоҳида боб киритилди. Унга асосан исломий молия фаолиятининг олинган даромадлар солиқ солиш мақсадларида фоизли даромадларга тенглаштирилиб, банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан мижозга реализация қилинадиган товарларга қўйилмаган устама ҚҚСдан озод қилинади.

Шу йилнинг 25 март кунин Президентимиз иштирокида молия ва рақамли технологиялар соҳасидаги янги ташаббуслар тақдимотида ҳам исломий молия хизматларини кенгайтириш масаласи алоҳида муҳокама қилиниб, ушбу тизим бўлими яқин беш йилда мамлакат иқтисодиётига қўшимча 1 млрд. доллар микдорда инвестиция ва депозитлар жалб қилиш имконияти яратилиши маълум қилинди. Шунингдек, жорий йилда камид битта тижорат банкида исломий “дарча”лар фаолияти йўлга қўйилиши ва 2026 — 2030 йилларда тўлиқ ис-

ломий банк хизматлари фаолиятини амалга оширувчи иккита банк ташкил этилиши таъкидланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда исломий молия тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти ва бу бежиз эмас.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, бизнес субъектларининг 80 фоизи ички манбалар хисобида молиялаштирилади ва уларнинг чорак қисминга кредит хизматида молиялаштирилади, холос. Банк активларининг 85 фоизи эса давлат банкларига тегишли. Шу боис аксарият қороналар банклари молиялаштиришининг афзал бўлиб қолгани таъкидланди. Муқорат кредитлаш тизими, яъни исломий молия орқали эса мазкур қатлам ҳам тўлиқ қамраб олинishi мумкин. Бу билан ички инвестиция микдори ошди, ҳуфиёна иқтисодиёт камайдди. Ёнг асосий-си, тадбиркорлик ривожланади. Шу ўринда савол тугилади.

Ислом молияси тарихи ҳақида гап кетганда, бу тизим 1967 йилда илк бор Мисрда пайдо бўлгани таъкидланади. Кейинчалик Малайзия, Бирлашган Араб Амирликларида шаклланди. 1980 йилларда келиб исломий молия хизматлари халқаро даражада ҳам ривожлана бошлади. Биргина Буюк Британияда 20 дан ортиқ банклар исломий молия хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ислом молияси энг яхши йўлга қўйилган учта давлат — Саудия Арабистони, Эрон, Малайзия курсаткичлар кўлами бўйича глобал бозор ҳажмининг 66 фоизига эгаллик қилади.

Давлатимиз раҳбири томонидан имзоланган қонун мамлакатимизда исломий банк хизматларини босқичма-босқич жорий этишга, “яширин иқтисодиёт” улушини камайтиришга ва исломий банк фаолиятини ривожлантириш учун йўналтирилган хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Абдулҳаким ЭШБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК — МАМЛАКАТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда инсоният тараққийнинг энг муҳим хусусиятларидан бири рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб бораётганидир. Интернет тармоғининг кенгайиши, электрон давлат хизматларининг жорий этилиши, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши замонавий тараққийнинг асосий драйверларига айланмоқда.

Муносабат

Шу билан бирга, рақамли муҳитда янги хавф-хатарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Киберхужумлар, онлайн фирибгарлик, шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатиш, ахборот тизимларида ноқонуний кириш ҳолатлари дунё миқёсида тобора кўпайиб бораётгани бу масалага жиддий ва тизимли ёндашуви талаб этипти.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда киберхавфсизлиги таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони соҳада давлат сиёсатининг муқомаб янги босқичга олиб чиққан муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади мамлакат кибермақомида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишонч-

ли ҳимоя қилиш, ахборот инфратузилмаларининг барқарор фаолиятини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт тармоқларида хавфсизлиги мустаҳкамлаш ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантиришдан иборат.

Давлат бошқаруви тизими, банк-молия соҳаси, энергетика тармоғи, транспорт инфратузилмаси, таълим ва тиббиёт муассасалари рақамли технологияларга таянаётганини ҳисобга олсак, ушбу соҳаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири экани яққол намоён бўлади.

Фармонда миллий киберхавфсизлик сиёсати доирасида қатор стратегик вазифалар аниқ белгиланган. Хусусан, миллий кибербарқарорлиги мустаҳкамлаш, муҳим ахборот

инфратузилмасини ишончли ҳимоя қилиш, кибертаҳдидларга қарши самарали тизим яратиш, давлат органлари ва хусусий секторнинг рақамли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш механизмларини кучайтириш каби масалалар устувор вазифалар сифатида ўрин олган. Бу эса киберхавфсизликни фақат техник ёки соҳавий масала сифатида эмас, балки миллий хавфсизлик, иқтисодий тараққий ва жамият барқарорлиги билан узвий боғлиқ стратегик йўналиш сифатида кўриш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фармонда кибертаҳдидларга қарши тезкор ва самарали жавоб бериш механизмларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилган. Бунинг доирасида киберхавфларни мониторинг қилиш, таҳлил этиш ва уларга қарши тезкор чора кўриш имконини берувчи замонавий марказлар ҳамда ахборот алмашувини тизимларини шакллантириш кўзда тутилган.

Ўз навбатида, киберхавфсизлик соҳасида сунъий интеллект ва инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу кибертаҳдидларни барвақт аниқлаш, уларни прогноз қилиш ва хавфларни олдин-

дан бартараф этиш имкониятларини янада кенгайтиради. Бундай комплекс ёндашув мамлакат рақамли инфратузилмасининг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда интернет орқали содир этилаётган фирибгарлик, банк карталари маълумотларини ўғирлаш, шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатиш каби жиноятлар сони ортиб бораётгани мазкур соҳада тизимли чоралар кўришни талаб этмоқда.

Фармон доирасида кибержиноятчиликка қарши курашишнинг институционал ва ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник имкониятлари кенгайтирилади, кибержиноятларни тергов қилишнинг замонавий усуллари жорий этилиб, интернет маконида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар кучайтирилади. Бу эса рақамли муҳитда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялаш, интернет маконида қонунийлик ва тартибни таъминлашга хизмат қилади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Қулайлик

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ

Марказий банк турли банклар миқозларининг ҳисобварақлари ўртасида тўғридан-тўғри пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини берувчи "Account-to-Account" (A-A) сервисини ишга туширди.

Бу ҳақда Марказий банк матбуот хизмати маълум қилди.

Унга қўра, эндиликда жисмоний шахслар маблағларни бир банк ҳисобварақидан бошқасига тўғридан-тўғри ўтказиши мумкин. Президентимизнинг тегишли фармони ижроси доирасида жорий этилган ушбу янги тизим рақамли молиявий технологияларни ривожлантириш ва фойдаланувчилар учун қулайликларни оширишга қаратилган.

"Account-to-Account" (A-A) тизими турли банклар миқозларининг ҳисобварақлари ўртасида бевосита пул ўтказмаларини таъминлайди. Бу усул банк картаси рақамлари орқали амалга ошири-

ладиган аънаваный "P2P" ўтказмаларидан фарқ қилади. Янги форматда операциялар тўғридан-тўғри банк ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бунинг учун алоҳида карта очиб талаб этилмайди. Мажбур банк иловасида пул ўтказиш усули сифатида танланади ва хизмат турини белгилаш орқали амалга оширилади. Ҳозирда ушбу тизим барча банкларда техник жиҳатдан жорий этилган.

Шу билан бирга, амалдаги "P2P" пул ўтказмалари ҳам сақланиб қолади.

«Халқ сўзи».

МИНГ ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ

Амударё туманидаги Арнабўйи маҳалласида катта тажрибага эга тадбиркорлар кўп. Ана шундай инсонлардан бири — Фарҳод Бекимбетов бугун умрини асаларичилик соҳасига бағишлаган. У доимий даромад манбаини яратган ҳолда тиббий ва экологик тоза маҳсулотлар билан бозорни тўлдирмоқда.



Омилкорлик

— Асал — шифобахш маҳсулот, минг дардга даво, — дейди "Фарҳод Кўчқорович асали" деҳқон ҳўжалиги раҳбари Фарҳод Бекимбетов. — Йигирма йилдан бери шу соҳада меҳнат қиламан. Кам сонли асалари оилалари билан иш бошлаганим. Кейинчалик тажриба тўплаб, соҳани илмий ва амалий асосда ривожлантиришга киришдик ва асаларичиликка замонавий ёндашувларни татбиқ этдик. Натихада ҳўжалигимиз нафақат туманимиз, балки Қорақалпоғистон Республикасида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлди.

Айни пайтда Фарҳод Бекимбетов оила аъзолари ва шогирд-

лари билан биргаликда 550 та қути асалари оиласини парваришламоқда. Қаҳрамонимиз бу соҳада интизом ва масъулиятни энг муҳим омил, деб ҳисоблайди. Асалари асаларичиликка кичик эътиборсизлик ҳам катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ҳўжаликда асалари парваришидан ташқари, асалари уялари — қути ва рамқалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса янги иш бошланган асаларичиларга жуда қўл келмоқда.

Бундан ташқари, "Фарҳод Кўчқорович асали" деҳқон ҳўжалигида асаларичиликда қўлланадиган дори-дармонлар, витаминлар ва парвариш воситалари савдоси ҳам ташкил этилган. Худуддаги асаларичилар зарур воситаларни узоққа бор-

масдан, маҳалланинг ўзида топиш имкониятига эга.

Асалариларни парваришда тўғри танланган худудлар ҳам катта аҳамият касб этади. Шу боис деҳқон ҳўжалиги асалари оилаларининг асосий қисмини Қораўзак, Тахтақўпри ва Ҳўжайли туманларида жойлаштиради. Бу худудларда кунжуқ, беда, янтоқ ҳамда қизилмия каби нектарга бой ўсимликлар кенг тарқалган. Бундай табиий муҳитда етиштирилган асал ўзининг юқори сифати ва шифобахш хусусиятлари билан аҳралиб туради.

Фарҳод Бекимбетов ҳар йили икки мартаба асал йиғди — ҳар бир қутидан ўртача 10 — 15 килограммгача. Бу нафақат ички бозор талабини қондириш, балки келгусида экспортни йўлга қўйиш имкониятини ҳам яратди.

Асаларичилик фақат асал етиштириш билангина чекланиб қолмайди. Бу соҳа мум, прополис, гулчанг, асалари суту каби қимматли, шифобахш ва экспортбоп маҳсулотларни ўз ичига олган катта иқтисодий салохиятга эга. Шу маънода, Арнабўйи маҳалласини асаларичилик аънавалари ва тажрибаси шаклланган маскан, дейиш мумкин. Бу ердаги тадбиркорлар Фарҳод Бекимбетов каби табиий муҳитни қадрлаб, уни касб ва меҳнат манбаига айлантиришдек улкан вазифани удралаётгани таҳсинга сазовор.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
«Халқ сўзи».

ОЙДИНОЙНИНГ ОЙДИН ОРЗУСИ

Кран бошқаруви одатда аёлларга хос бўлмаган касб, бу эркаклар иши дейишарди. Бунга жисмоний ва техник салоҳиятнинг ўзи камлик қилади, руҳий барқарорлик, диққат ва масъулият ҳам керак. Эркаклар орасида ҳам кўзи ўткир, юраги бақувват ва балангликдан қўрқмайдиغانлар бу касбни танлайди.

Матонат

Анджонлик Ойдиной Абдулазизова учун кранчилик касби ҳаётининг мазмунига айланган. "Doeyen Group" МЧЖда у ҳар кун қариб 60 метр балангликка кўтарилди, кранни

Ойдинойнинг синглилари Шоҳиста ва Азизахон ҳам кранчи. Холаси Қаноатхон Кўчқорова эса узоқ йиллар қурилиш соҳасида меҳнат қилиб, кўп вақт бинолар барпо этишга ҳисса қўшган. Уларнинг барчаси ўз касбининг ҳақиқий устасига айланган.



бошқаради ва ҳар бир юкни аниқ жойига етказди. Балангликдаги ҳар бир ҳаракат, масъулият — унинг руҳий ва жисмоний барқарорлигини синовдан ўтказди. — Бу касбни танлашда ота-онам аввал қаршилиқ кўрсатишди, — дейди Ойдиной. — Лекин мен уларнинг фикрини ҳурмат қилган ҳолда бўш вақтда чеварлик ва зардўзлик билан шуғулланаман. 7 ёшли қизим бор, унга ҳам рўзгор ишларини ўргатаман.

Ойдиной Абдулазизованинг балангликдаги ҳар кун меҳнат ва тажриба завқи олади. Андижонда асрлар оша хизмат қиладиган иншоотлар барпо этишнинг ҳар кунлик орузу-нияти. Аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам энг оғир ва масъулиятли касбларда меҳнатни муносиб удралади. Унинг фаолияти ёшлар, айниқса, қизлар учун ибрат ва илҳом манбаидир.

Саминжон ХУСАНОВ
«Халқ сўзи».

Фикр

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир", деб қайд этилган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда оила борилётган кенг миқёсли ислохотларнинг пировард мақсадларидан бири оила, унинг тинчлиги, фаровонлиги ва бахту саодати билан боғлиқ. Хусусан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига биноан, жамиятда хотин-қизларга ва болаларга таълим ҳимоясида зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий ишлар кенг қамровли тус олиб, бу жараён янада жадал сурьатда давом эттирилмоқда.

Дунё миқёсида глобал муаммолардан бири бўлиб келаётган оилавий зўравонлик масаласига халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида эътиборига қарамасдан, оилаларда бундай салбий ҳолатларнинг камайибётгани мазкур ҳолатнинг чуқур тадқиқ этилиши талаб

қилинадиган долзарб муаммолар сирасига киришидан далолат беради.

Мамлакатимизда зўравонликнинг ҳар қандай шакллари қарши кураш масалаларини тартибга солиш бўйича қатор қонунлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига қўра, зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид этиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлиги, шавқи, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимояланадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига таъжовуз қиладиган гайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)да ифодланади.

Оилавий (маиший) зўравонлик — бу оила аъзосининг бошқа оила аъзосига нисбатан қасддан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий босим ўтказиши, уни қўрқатиш, таҳқирлаш ёки эркинлигини чеклаш бўлиб, бундай ҳат-

ти-ҳаракатлар нафақат эр-хотин муносабатларида, балки ота-она ва болалар, қариндошлар ўртасида ҳам учрайди. Айниқса, аёллар, болалар ва кексалар зўравонликка кўпроқ дучор бўладиган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади.

Шу ўринда оилавий зўравонлик ва гендер зўравонлик ўртасидаги фарқни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Оилавий зўравонлик оила ёки яқинлар ўртасидаги маиший муносабатлар доирасида юз беради. Гендер зўравонлик эса шахсга нисбатан унинг жинси (аёл ёки эркак экани) сабабли содир этилган зўравонликдир. Гендер зўравонлик оилада, иш жойида, жамоат ҳойларида, таълим муассасаларида, интернетда ҳам содир бўлиши мумкин. Бу тусунча кенг қамровга эга бўлиб, оилавий муносабатлар билан чекланмайди.

Оилавий зўравонлик турли кўринишларда бўлиши мумкин. Хусусан, шахсни унинг хоҳиш-иродасига қарши равишда қидириш, у билан оғзаки ва телекоммуникация тармоқлари воситасида, жумладан, интернет орқали мулоқотга киришиш, иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига бориш билан унда ўз хавфсизлиги учун ҳавотирлини кайфиятини қўзғатиш ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.

Мамлакатимизда оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш, уларнинг фаровонлик даражасини кўтариш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш мақсадида 2025 йил 9 апрелда "Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллашти-

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

1 Хафтанинг ҳар пайшанба кун ва зирлик, идора ва ҳокимликларда "Ёшлар кунини" этиб белгилади. Шу боис мазкур кунда ёшлар билан яқиндан ишлаш, уларнинг орау-мақсадларини рўйбга чиқариш, муаммоларини эшитиш ҳамда ечим топиш, иқтидорларини рўйбга чиқаришга қаратилган турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкентдаги Турин политехника университети, "Эл-юрт умиди" жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида талабалар учун очик мулоқот ҳамда тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда 870 нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашди.

Учрашув давомида иштирокчиларга "Эл-юрт умиди" стипендиясининг йўналишлари, очик танловларда қатнашиш тартиби,



балари, техникумлар ва мактаб ўқувчилари қатнашди, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари орқали мароқли ҳордик чиқарди. Шу кунини ёш тадбиркор-

ўртасида самимий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, биргаликда илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, инновациялардан унумли фойдаланишга хизмат қилади.

Наманган вилоятида ҳам Ёшлар кунини муносабати билан турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Наманган давлат техника университети ташаббуси билан ташкил этилган "Миллий парад" лойиҳаси ёшлар ўртасида миллий қадриятларга ҳурматни мустаҳкамлаш ҳамда аънаваларимизни кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшди. Парад давомида 1000 нафардан ортик талаба-ёшлар миллий либосларда олий таълим муассасаси худудидан "Афсоналар водийси" масканига та тантанали юриб, миллий либосларимизнинг бетақор жозибасини кенг жамоатчиликка намойиш этди. Параднинг маданий либосларимизга меҳри, ҳурматини кўриб, келажикимиз ишончли кўларда эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Кўп сонли талабаларни ягона мақсад йўлида жамлаган сайил Янги Наманган тумани маданият бўлими хонандалари томонидан ижро этилган миллийлик ва ёшлиқни улуғловчи куй-қўшиқлар билан иштирокчиларга унумлилас лаҳзаларни туҳфа қилди.

«Халқ сўзи».



номзодларга қўйилмаган талабалар, ҳужжат топшириш босқичлари ҳамда саралаш мезонлари батафсил тушунтирилди.

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида иқтидорли йигит-қизларнинг стартап ва инновацион гоғарига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда ёшлар томонидан илгари суриллаётган истиқболли лойиҳаларни тинглаш, уларни қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этиш ҳамда ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Учрашувда барча туман ва шаҳар ҳокимлари, банк тизими вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда тегишли соҳа мутасаддилари ҳам қатнашди. Очик мулоқотда вилоятнинг турли худудларидан келган 50 нафар ёш ташаббускорнинг истиқболли стартап лойиҳалари ва инновацион таклифлари тақдим этилди.

Фаргона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган Ёшлар сайли унумлилас таассуротларга бой бўлди. Сайилда Фаргона вилоятидаги олий таълим муассасалари тала-

лар, хунармандлар ва расомлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда ижодий ишлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Ҳиёбон бўйлаб қатор расмларда китоблар кўргазмаси уюштирилди, миллий қадрият ва аънаваларга хос халқона ўйинлар ўтказилди. Спортчи йигит-қизлар ўз маҳоратларини намоён қилиб, турли мусобақаларда дўстона беллашди.

Ёшлар кунини доирасида талабалар, меҳнат ва зўрағига кириб келаётган ёш мутахассисларнинг вилоятдаги машғур тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқоти ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатларини уюштириш ҳам яхши аънавага айланмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти кенгаши раҳбари Алишер Анаваров. — Бу йил вилоятимиздаги қатор олийгоҳлар талабалари Марғилон шаҳридаги илгор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Бундай учрашувлар назарий билимлар ва амалиётни ўзаро уйғунлаштириш имконини беради. Ўз навбатида, бўлажак мутахассислар ҳамда иши берувчилар

риси муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ўзгартаришлар киритиш тўғрисидаги Қонун имзоланди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 40-моддаси 4-қисм билан тўлдирилиб, унга мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар қўриб чиқилаётганда суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахсининг талабига қўра ярашиш учун муҳлат тайинламаслиги белгилади.

Бу норма жабрланувчини ҳимоя қилиш, уни қайта зўравонлик хавфига дучор этмаслик ва ишларни тезроқ ҳал қилиш мақсадида жорий этилган. Мазкур қонунда қўра, оилавий зўравонлик ҳолатларида жабрланувчининг хоҳиши билан ярашиш муддати қўлланилмайди. Бунинг асосий мақсади оилавий зўравонлик содир қилган шахс билан жабрланувчини мажбурий ярашишига йўл қўймаслиқдир.

Энди агар никоҳдан ажрашишни талаб қилаётган шахс оилавий (маиший) зўравонлик қурбони бўлса, суд унинг хоҳишига қўра ярашиш муддатини белгиламайди, бу ўз навбатида, жабрланган шахсни никоҳдан ажратиш ишини осонлаштириши ва талабдорнинг қайта зўравонликка дуч келиш эҳтимолини камайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартариш киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг никоҳдан ажратишга оид иш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарорларига ҳам ўзгартаришлар киритилди. Унга қўра, суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига қўра, ярашиш учун берилган муҳлатни жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муҳлат туғагунга қадар қўришга ҳақли. Агар аризада шахсининг оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганлиги асос сифатида кўрсатилса, бу ҳақда суд ҳужжати тақдим этилса, суд ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартириши ва ишни қўришга тайинлайди.

Аёллар манфаатларини таъминлаш, уларни турли таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар илчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида имзолаган фармони ҳам бу йўналишдаги ислохотларнинг маданий давом бўлиб, у инсон манфаатларини улуғлаш ва юксалтиришдек муҳим мақсадларни ўзида муҷассам қилган. Бундай эзгу мақсад ва вазифаларни бажариш жамиятнинг барча аъзоларидан яқдиллик ҳамда фидойиликни талаб этади. Зеро, фақат соғлом, ўзаро ҳурматга асосланган оила орқалигина барқарор ва тараққий топган жамиятни барпо қилиш мумкин.

Илҳом НАСРИЕВ,
Ўзбекистон Оидил судлов академияси кафедре мудири,
юридик фанлар доктори, профессор.

ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИНГ МАРКАЗИЙ БЎҒИНИ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт дастурида маҳалла институтига алоҳида урғу берилиши унинг ижтимоий капитални шакллантириш ва миллий бирдамликни мустаҳкамлашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор тасдиқлади. Бу маҳаллани нафақат маъмурий бирлик, балки бетакрор тараққиёт моделининг марказий бўғини сифатида қабул қилишга қаратилган стратегик ёндашувни акс эттиради.

Нуқтаи назар

2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб номлангани, шунга мос давлат дастури қабул қилинган маҳалла институтига эътиборнинг янги босқичга ишора, десак, тўри бўлади. Бу нафақат маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини кўтариш, балки маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг қўламли давлат дастурларини амалга оширишни аниқлади. Ушбу ташаббус маҳаллани мамлакатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг марказига қўйишга қаратилган. Зеро, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз ҳам шундай намоян бўлади.

Мақсад эса эзгу — одамларни даромадли иш билан таъминлаш, маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш, мулкдорлик аниқ — камбағаллик ва ишсизликни кескин камайитириш, тадбиркорликни ривожлантириш. Зеро, маҳалла раванг топса, бутун мамлакатимиз юксалади. Илм дастури доирасида маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томоққа маданиятни ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар манъавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар кенгайтирилмоқда. Ижтимоий фаол кекса авлод вакиллари кенг жалб этган ҳолда ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар маҳалла ободлиги ҳамда хавфсизлиги, ўз навбатида, юрт осойишталигига хизмат қилаётди.

Таълим ва тарбияни боғловчи лойиҳа

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ватанпарварлик, миллий гуруҳ, бағрикенглик, оилапарварлик, меҳр-

оқибат каби фазилатларни шакллантириш учун мустақил иш сифатида "Менин маҳаллам — менин фахрим" лойиҳасини йўлга қўйганмиз.

Талабалар ўз маҳалласи тарихи, ибратли инсонлари, анъаналари, зимоний ҳаёти ҳақида альбом ишлаб чиқади, уларни гуруҳда, маҳаллада тақдирот қилади, маҳалла ривожига бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини тайёрлайди. Утган даврдаги кузатувимиз шуни кўрсатмоқдаки, лойиҳаларни бажариши, изланиши олиб бориш, улар бўйича тақдирот ўтказиш жараёнлари талабанинг дунёқарашига ижобий таъсир этмоқда, уларда маънавий юксалиш сезилмоқда. Мазкур тажрибани бутун республикада оммалаштиришга киришилгани эса айни муддао бўлди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлигининг 2025 йил 13 августдаги "Олий таълим ташкилотларида "Менин маҳаллам — менин фахрим" лойиҳасини ташкил этиш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур лойиҳа БевоСИта университетимиз бошчилигида амалга оширилаётди. Лойиҳа талабаларда юртга садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат хиссини ривожлантириш, уларнинг маҳалла институти мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу лойиҳада ортиқча дабдабаозлик йўқ, ақсинча, у оддий кундалик иш сифатида намоян бўлиши керак. Яъни олий таълим муассасалари фалсафа фанини ўқитиш жараёнида мустақил ишчи бажариш учун талабаларни ўз маҳаллаларига йўллайди, тайёрлаган тақдиротини баҳолайди. Маҳаллалар эса талабаларга лойиҳани бажариш учун шароит яратди, ёшлар етакчиси талаба билан ҳам-жиҳат иш юритади, уни маҳалла фаолиятига жалб этади. Худди шу каби маҳал-

ла хотин-қизлар фаоли талаба қизлари билан ҳамкорлик қилади. Аълочи, жамоат ишларида фаол талабалар ва уларнинг ота-оналари моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилади. Бу эса ёшлар, умуман, аҳолининг илм-фанга қизиқишини кучайтиради, ёшлар ўз маҳалласи билан танишади, кейинчалик қаерда бўлишидан қатъи назар, маҳалласини эслаб юради.

Талабалар ўз маҳалласида

ТДИУ Фалсафа кафедраси профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида рақамли иқтисодиёт факультети 1-босқич талабаларининг Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманининг Жумабозор маҳалласига ташрифи эсда бўлди. Унда талаба Гулбону Сайловованинг "Менин маҳаллам — менин фахрим" лойиҳасида тайёрлаган кизиқарли тақдиротини ўқиган 26-умумтаълим мактабига намоий иштирок этилди. Тадбир давомида талабалар маҳалла аҳолисининг ҳаёти, муаммолари ва уларга ечим топиш йўллари ҳақида фикр алмашди.

Ёшларнинг бундай чиқишлари, ўз навбатида, маҳалла аҳолисини ўз фикрларини билдириш ва ўзаро мулоқот қилиш имконини ҳам яратди. Эътибор бериш, лойиҳа доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили маҳаллаларга камида 300 — 400 миң талаба боради, бу эса катта муваффақият — жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришишга улкан ҳисса қўшиш, дегани.

Шунингдек, университетда тез-тез уч авлод урғуларини ўтказиш яъни анъана айланиши. Яқинда "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда "Уч авлод мулоқоти" тадбирлари доирасида Ўзбеки-

тон Қажрамонлари ва ёшлар мулоқоти ўтказилди. Ушбу тадбирлар ёшлар билан ишлаш тизимини тушун тақдимоти билан шундай тақдирот қилишга йўл очган бўлаамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллион 700 миңдан зиёд талабалар мавжуд. Агар лойиҳа уларнинг барчасини қамраб олса, маҳалла чинакам қадриятлар масканига айланади. Чунки ёшлар, талабалар фанга бой, ташаббускор. Уларнинг креатив гождлари маҳаллани ҳаракатга келтиради. Тўй ва маросимлар ўтказишга, данғилла иморат ва ҳашаматли автомобильлар сотиб олишга муккасидан кетган одамлар исрофгарчиликка эмас, балки илм-фанга, фарзандларини билимли қилишга пул, сармоя ажрата бошлайди.

Учинчи Ренессанс устунлари бўлган профессор-ўқитувчи ҳамда педагогларнинг талабалар билан бирга маҳаллага кириб келиши ушбу ноёб тузилма ривожига, қиёфасининг ўзгаришига, камбағал оилалар камийишига замин яратди. Фаол талабалар маҳаллалардаги уюшмаган ёшларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Талабалар лойиҳа доирасида ўз маҳалласидаги мактаб ўқувчилари билан учрашиб, ўзларининг бўлажак касблари ҳақида уларга тушунча бермоқда. Маҳалла ўғил-қизлари эса бундан илҳомланиб, янги ташаббусларга қўл уриш истагини билдиришляпти. Қолаверса, бу жараён ўқувчиларнинг касбга оид маълум тасаввурлар ҳосил қилишига ёрдам беради.

Ўқувчиларда билим олишга қизиқиш ошмоқда

Мазкур ташаббуснинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ёшлар ўз маҳал-

ласи тарихи, таниқли инсонлари ҳақида маълумотга эга бўлади. Бу эртанги кун эгаларида ахлоқий фазилатларни янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кузатишларимизга кўра, бу ҳолат ўқувчиларда пухта билим олишга қизиқишни оширмоқда. Шундай экан, лойиҳа орқали иккита мақсад — маҳаллани қадриятлар ва илм масканига айлантириш, бу билан Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга йўл очган бўлаамиз.

Кези келганда яна бир фикрни айтиш ўринли: лойиҳа эзгуликка, ёшларни умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган экан, демак, ижтимоий фанларга эътибор кучайтирилган самара берапти. Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" асарида таъкидланганидек, бундан 60 — 70 йил илгари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида ҳорижда ишлаб чиқилган ва асосан, маънавият ҳамда гуманитар таълимга пул сарфлаш зарур эмас, деб ҳисобланган ва мулқат гоёсизликка асосланган ижтимоий концепциянинг оқибатлари қандай бўлганини бугун кўриб турибмиз.

Дарҳақиқат, ижтимоий фанларни ўқитишга эътиборни янада кучайтириш лозим. Беш йил, ўн йил ўтар, сарфланган маблағ исзиз кетмаганининг ғувоҳи бўлаамиз, албатта. Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби давлатлар таърифи ҳам таълим ва тарбия сарфланган молия ўзини оқлаганини бугун дунёга намоян қилди. Шундай экан, таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай ташкил этишга доир махсус концепцияни ишлаб чиқиш эҳтиёжга айланди.

Юқорида тилга олинган асарда айтилганидек, "Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва таъминоти тўғрисида" қонун ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи мавжуд. Шундангина биз миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳасида ҳар томонлама билимга, чинакам замонавий қадриятлар тайёрлашга эришаемиз. Бу борда катта қадамлар ташлангани эса диққатга сазовор, албатта.

Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Фахрийлар кенгаши раиси, профессор.

Хушхабар ТАЛАБАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида VI Очиқ халқаро математика олимпиадаси (ОМОУС — 2026) бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли илмий бешлашувда дунёнинг турли чеккаларидан келган 600 нафардан ортиқ талабалар ўз билим ва иқтидорларини намоян этди.



Олимпиадада Ўзбекистон, Тожикистон, Германия, БАА, Эрон, Россия, Нидерландия, Венгрия, Греция ва мезбон Туркменистондан жами 87 та жамоа қатнашди.

Ушбу нуфузли халқаро майдонда мамлакатимиздаги 26 та олий таълим ташкилотидан 151 нафар иқтидорли талаба Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 8 нафар таърифи профессор-ўқитувчи халқаро ҳакамлар ҳайъати таркибида фаолият юроти.

Биз учун аҳамиятлиси, Ўзбекистон ёшлари бу йилги олимпиадада чинакамига юксак натижаларни қайд этди. Улар яқка тартибдаги баҳсларда жами 103 та, жамоавий бешлашувларда эса 57 та медални қўлга киритишди.

Бундай муваффақиятларнинг барчаси мамлакатимизда таълим ва илм-фани ривожлантиришга қаратилган эътибор тўғрисида. Зеро, бундай рағбат ҳамда қўллаб-қувватлов келгусида ёшларимизнинг халқаро майдонларда ўз салоҳиятини янада ёрқинроқ намоян этишга кенг йўл очади.

«Халқ сўзи».

«ХУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР...»

Ўзбекистон Бадий академияси академиги, уста кулол Шариф Азимов учун кулолчилик шунчаки касб эмас — умр мазмуни. У 50 йилдан буён лой билан тил топишиб, ҳар бир яратган асарига меҳр ва миллийлик жо қилиб келмоқда. Моҳир кулол Умар Жўрақуловдан хунар сир-асрорларини пухта ўрганган. Устоз анъаналарини давом эттирган кулол "Уста — шогирд" мактаби орқали миллий кулолчиликни сақлаб, уни замонавий йўналишлар билан бойитмоқда. Айни кунда унинг шогирдлари нуфузли халқаро кўرғазма ва танловларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Қадрият

— Алишер Навоийнинг "Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб тупроққа кетгумдир охир", деган ўлмас мисраси бор. Бу ҳикмат замирида мен ўз ҳаётимни кўргандек бўламан, — дейди моҳир уста. — Инсон бир хунарни бутун умр ўрганади. Шу жараёнда унинг янги қирралари очилаверади. Шуларни бошқаларга ўргатган устозгина қадр топади, бутун умр шогирдларининг дуоларида яшайди. Мақсадим ҳам шу — устозим ўргатган хунарни асраб-авайлаб авлодларга етказиш.

Бугун Самарқандда тадбиркорлардан тортиб хунармандларгача катта муваффақиятларга эришмоқда. Айни пайтда "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлганлар сони 2 миң нафардан ошди. Утган йилнинг ўзига 100 нафардан зиёд янги хунармандлар уюшма аъзолари сафига қўшилди. Бу кўрсаткич миллий хунармандчиликка қизиқиш йил сайин ошиб бораётганидан далолат.

— Соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1 млрд. 750 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди, — дейди "Хунарманд" уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Умид Ҳақимов. — "Уста — шогирд" анъанаси асосида мактаб ташкил қилган 54 нафар хунармандга шогирд тайёрлаш учун 855 млн. сўм субсидия берилди. Мазкур имтиёзлар тўғрисида 60 дан зиёд республика ва халқаро кўрғазма ҳамда ярмаркаларда 325 нафар хунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Бу маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларининг халқаро бозорга чиқишига хизмат қилди.

Бугун самарқандлик хунармандлар ясаган маҳсулотларга хорижда талаб юқори. Экспортга чиқарилаётган ашё-

лар Самарқанд номи, тарихи ва бугунги қиёфасини ўзида акс эттиради. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги, мискарлик, кулолчилик, каштачилик, мини-атюра ва рангтасвир санъати, миллий либослар, мусиқа асбоблари каби бадийий қиймати юксак йўналишлар чет эл бозорига хариддоригр.

Мазкур йўналишларда яратилган ноёб маҳсулотлар Россия, АҚШ, Қозоғистон, Туркия ҳамда Европа давлатларига экспортга чиқарилмоқда. Шу билан бирга, Самарқандга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар ҳам хунармандлар маҳсулотларини катта қизиқиш билан ўз юртларига олиб кетмоқда. Хусусан, ёғоч ўймакори Мансур Асадов, каштачи Фулом Исаев, мини-атюра устаси Мансур Нуриллаев, миллий либослар мутахассиси Ҳамид Иноятова, академик кулол Шариф Азимов ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга муваффақиятли экспорт қилмоқда.

Хунармандлар учун яратилган яна бир муҳим имконият электрон савдо платформаларидир. Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги қарори ижроси доирасида "Хунарманд" уюшмасининг "www.uzcrafts.com" ҳамда "www.ihunar.uz" электрон савдо майдончалари ташкил этилди. Юзлаб хунармандлар ушбу платформалар орқали маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқармоқда.

— Хунармандчилик соҳасини ривожлантириш, миллий анъаналарни асраш ва аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди Умид Ҳақимов. — 2026 йилда соҳада 4 550 та янги иш яратиш режалаштирилган. Шунингдек, хунармандлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарийб 39 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган.

Абдулозис ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ихчам тўй учун муносиб тўхфа

Китоб тумани марказидаги мўъжаз кафелардан бирида икки ёш — Муроджон ва Шабнамхоннинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Эътиборли томони, унда меҳмонлар сони 50 кишидан ошмади. Ихчам, тартибли ва файзли тўй барчага бирдек манзур бўлди.

Ибрат

— Ўзим шу тумандаги Санам маҳалласида яшайман, — дейди Муроджон Ҳамдамов. — Бир неча йил аввал кичик новвойхона очиб, элимиз дастурхонига азиз неъматни етказиб келаяман. Аслида, каттароқ тўй қилишга ҳам имконим етади. Икки куда томон ўзаро келишиб, ортиқча исрофга йўл қўймасликка қарор қилдик. Энди тежаб қолинган маблағ хисобига новвойхонани кенгайти-

риб, фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятидаман. Дарвоқе, бу никоҳ тўйининг ихчам ўтказилиши жамоатчилик вакиллари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Унда Маънавият ва маърифат маркази Китоб тумани бўлимаси томонидан, келин-куёвга ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари тўплами совға қилинди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Ўтган асрнинг 30-йилларида Бухоро давлат педагогика институтида фаолият юртган Воҳид Абдуллаев қадимий қўлёмалар китоблар дарганини эшитиб, Фихрдувон туманидаги Гаждумак қишлоғига боради. Ва ёш олим қишлоқ масжиди қошидаги суви саёз тортган қудуққа ташланган китобларни бағрига босиб, шаҳарга қайтади...

Таклиф биздан...

Ўша кезлар собиқ шўро тузумининг динга қарши кураш никоҳи остидаги зуғумлари авж паллага чиққан, одамлар қатағонга урашдан қўчиб, арабий ёзувидаги неки китоб бор — барчасини кўздан яшириш пайтда эди. Афтидан, шу қўрқув сабаб кимдир китобларни қудуққа ташлаган. Буни қарангки, уларнинг халоскори кейинчалик мутоз адабиётимизнинг етук тадқиқотчиси, академик, Самарқанд давлат университетиде қарийб қирк йил давомида талабаларга сабоқ берган алолма сифатида дунёга танилди. Қишлоқ қудуғидан топиладан қўлёмалар асарлар ва бошқа манбалар асосида "XVII-XVIII асрлар Хоразмда ўзбек адабиёти" мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу тариқа Хоразм адабий муҳитида камол топган қатор шoirлар номи кашф этилди. Уларнинг адабий меросидан халқимиз баҳраманд бўлди.

— Шу биргина мисол ҳам қадимий қўлёмаларнинг ҳалқимизнинг бой маданий меросида жуда катта ўрин тутишини кўрсатади, — дейди бухорлик тадқиқотчи Аҳтам Аҳмедов. — Узлгимизнинг англаш учун бу меросни ўрганиш, диний ва дунёвий тафаккур тадрижийлигини билиш, тадқиқ қилишга зарурат кўнаймоқда. Шу маънода, қадимий қўлёмаларни бебаҳо ҳазина ўрнида кўриб, асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш ҳам долзарб юмуш саналади.

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхонасининг Шарқ қўлёмалари

бўлимида араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги шундай нодир адабиётларнинг 872 таси сақланмоқда. Маскан биносининг реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилгани тўғрисида уларни асраб-авайлаш борасида қўлайликлар юзага келди. Жумладан, китоб жавонлари давлат стандартларида жавоб беради. Одатда, бундай ҳижозлар полдан камида 15 сантиметр қорқорида турмоғи керак. Ҳар тоқдада тўрттагача китоб қўйилиши мумкин. Қолаверса, хонадаги ҳарорат, ёрулик даражаси белгиланган меъёрдан бўлмоғи шарт. Бу ерда шу талабаларга риоя этиляпти.

— Ҳар бир китоб тури ва қайси тилда эканига қараб жойланган, — дейди кулбўхона ходимаси Гулбаҳор Исомова. — Қўлёмалар манбалар алоҳида, тошбосма китоблар алоҳида турибди. Бу фойдаланувчиларга керакли адабиётни зудлик билан тақдим қилиш имконини бермоқда.

Бухорода ўз тадқиқотчиси кутаётган ноёб қўлёмалар асарлар жуда кўп. Шуларнинг, оз эмас-кўп эмас, 7 миңтагани Бухоро давлат музей-қўрғончасида сақланмоқда. Улар орасида Шарқда яшав ижод этган, жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган олимлар фозулларнинг маданият, санъат, математика, ҳандаса, тиб илми, биология, ботаника, география, кимё, астрономия, астрология, маориф, фалсафа, хаттотликка оид ноёб асарлари бор.

— Асосий вазирамиз бу ҳазинани кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, тадқиқотчилар учун қўлайликлар яратиб беришдан иборат, — дейди музей-қўрғонча бош муҳофизи



Фирюза Шаропова. — Мазкур фонд яқин-яқинда Бухоро санъат музейида жойлашган. Музей биноси таъмирланаётгани тўғрисида қадимий ёзма манбаларни вақтинча бу ерга қўйиришга тўғри келди.

Музей-қўрғонча кўчма Арқ қўрғонда жойлашган. Табиийки, бу ердаги иншоотлар қадимий осориатикалар, хусусан, қўлёмалар китобларни сақлашга мўлжалланмаган. Ваҳоланки, айримларнинг ёзилиши санаси VI — VIII асрларга бориб тақалладиган китобларни намлик, чанг-ғубор, ҳашаротлар зуғумидан асрашнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, бу адабиётлар ҳозир қўлёмалар усулда тайёрланган жавонларда турибди. Фонд ҳар уч ойда ҳашаротларга қарши курашиш учун махсус дориланади. Бундай пайтда қўлёмалардан фойдаланувчиларга ҳам, уларга хизмат қўрсатувчиларга ҳам осон тўтиб бўлмайди. Чунки дори кишида аллергия кўзгатади. Ҳолбуки, бундай про-

филактик юмушларни бажариш учун махсус лаборатория керак. Бебаҳо ҳазинани асраб-авайлаш, нодир адабиётларни тадқиқ этиш учун Бухорода барча талабаларга жавоб берадиган бино қуриш мавриди аллақачон келди. Вилоят раҳбарлари шу ҳақда уйлаб кўришса, айни муддао бўларди. Бу давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 февралдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориде қўзда тутилган мақсадга ҳам мос тушарди.

— Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, пойтахтдаги қатор муассасалар билан бирга вилоятлар орасида фақат Бухорода "Матнуносилик ва адабий манбашунослик" таълим йўналиши бўйича бакалаврият ва магистратура босқичлари учун зарур квота ажратилмоқда, — дейди Аҳтам Аҳмедов. — Шунингдек, БухДУда Бухоро таълим кафедраси иш бошлади. Мазкур даргоҳда "Исломо тарихи ва манбашунослиги" таълим йўналиши очилди. БевоСИта Президентимиз ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолияти йўлга қўйилди. Табиийки, бу даргоҳларда тахсил олаётган илму тоилбар ҳамда ёш тадқиқотчилар учун қадимий ёзма манбалар сув ва ҳаводек зарур. Улар назарий билимларини айнақ қўлёмалар манбалар асосида мустаҳкамлашди. Амалиётини фондларда ўташади. Акс ҳолда улар аргумоқчи кўрмаган чавандозга айлиниб қолиши тайин.

Бинобарин, нодир қўлёмалар асарларни Бухорода сақлаш ҳаётий зарурат. Қолаверса, араб тили ва ёзувини чуқур биладиган мутахассислар, шунингдек, библиографлар, китоб реставраторлари тайёрлаш, бу тоифадаги кадрларнинг маошини ошириш, моддий таъминотини яхшилаш масалалари ҳам бор. Уларга оқилона ечим топмай туриб ажодларимиздан бизга мерос ноёб китобларни келажак авлодга бус-бутун етказишни тасаввур этмоқ мумкул.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни оқиб олган учун QR-коднинг телефоннинг орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Ташрифта келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мазмун берилиши учун обунани расмийлаштирган тақдирот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси махсус. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Исломо Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — С. Исомоов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.06 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6